

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 22-sentabr, payshanba

№ 37 (9201)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МУРОЖААТЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг муурожаатларида кўтарилган масала ва муаммоларни ҳал этиш, инсон қадрини улуғлаш бугунги ислохотларнинг бош мезонига айланди.

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот ва идора, мансабдор шахс фуқароларнинг муурожаатларига алоҳида эътибор қаратиб, уларда акс этган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда унинг минтақавий вакиллари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқирилиши мунтазам равишда таъминланмоқда. 2022 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида Вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 9 минг 166 та муурожаат келиб тушган.

Уларнинг 5,4 фоизи, яъни 495 таси Омбудсманнинг ҳудудлардаги минтақавий вакилларига юборилган. Муурожаатларнинг 2 минг 448 таси тақририй равишда келган бўлса, 70 таси белгиланган тартибда аноним деб топилди.

Бу ҳақда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг муурожаатлар билан ишлаш бўйича 8 ойлик фаолияти натижаларига бағишланган брифингда айтиб ўтилди.

– Муурожаатларнинг 14,2 фоизи фуқаролар-

нинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид, 33 фоизи ижтимоий ҳуқуқлар, 25,8 фоизи иқтисодий ҳуқуқлар, 15 фоизи сиёсий ҳуқуқлар ва 1 фоизи экологик ҳуқуқларга тегишлидир, – деди брифингда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг матбуот котиби Фотима Мадраҳимова. – Муурожаатларнинг 16 таси хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманларидан келиб тушган. Юқорида тасниф этилганлардан бўйича Омбудсманларидан келиб тушган. Юқорида тасниф этилганлардан ташқари, фуқароларнинг давлат ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви органлари ходимларининг муурожаатчиларга нисбатан муомала маданиятига амал қилмаганлиги юзасидан 822 та муурожаат келиб тушган.

Омбудсманнинг ўзига юборилган 8 минг 671 та муурожаатдан 2 минг 532 таси парламент назорати субъекти сифатида назоратга олинган. 979 таси бўйича муурожаатчи га батафсил ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилган. Қолган 5 минг 160 та муурожаат тегишлилиги бўйича ваколатли ташкилотларга мазмунан кўриб чиқиш учун юборилган. Муурожаатларнинг 26 фоизи назоратга олинган, 88,4 фоизи эса ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, Омбудсман томонидан ҳисобот даврида фуқароларнинг манфаатлари юзасидан ташкилотларга 52 та таъсир чоралари қўлланилган.

(Давоми 2-саҳифада)

МИНГБУЛОҚНИНГ НЕФТЬ БУЛОҚЛАРИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Туман маъмурий маркази ҳисобланган Жумашуй посёлкасида бор-йўғи ўн километр узокликда, Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйида Мингбулоқ қони қудуқлари жойлашган. Яқинда бу ерда янги, замонавий саноат иншооти – машъаласи 50 метр баландликда шуъла сочган нефтни қайта ишлаш қурилмаси ишлаб бошлади.

– Enter Engineering компанияси 2021 йилнинг март ойида Наманган вилоятидаги Мингбулоқ қонида нефтни тайёрлаш қурилмасини барпо этиш лойиҳасини бошлаган эди, – дейди компаниянинг ЎНГ-1 лойиҳаларини амалга ошириш дирекцияси вакили, ушбу лойиҳа раҳбари Жамшид Қаландаров. – Жорий йилнинг август ойи бошида мазкур объекта бизнинг қимматбаҳо маъданларга бой заминимиз ҳамда Ўзбекистоннинг қудратли саноат занжирида навбатдаги мустақкам ҳалқа рамзи ўлароқ машъала ёндирилди.

(Давоми 2-саҳифада)



“In vitro” БИОТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА КАРТОШКА УРУҒЛАРИ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Оқдарё туманидаги “CS – BIO SAMARKAND” қўшма корхонаси томонидан Жанубий Кореянинг “in vitro” биотехнологияси асосида импорт ўрнини босувчи картошка уруғлиги етиштириш йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида тадбиркорнинг 7 млрд. сўмлик ўз маблағи ҳамда Жанубий Кореялик инвесторнинг 6,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция маблағи ҳамда республикамизда биринчилардан бўлиб ушбу усулда импорт ўрнини босадиган картошка уруғлиги етиштиришга ихтисослашган замонавий лаборатория иш бошлади.

(Давоми 3-саҳифада)



Коллаборация

“В Jeans” бренди остида жинси кийим-кечаклари ишлаб чиқараётган Бухородаги “ВСТ Cluster” пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистонда мода саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда



Маҳаллий дизайнерлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, улар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Кластер ва дизайнерларнинг ижодий мулоқотлари коллаборация қилиш, жинси матосидан ноанъанавий либослар тўплами пайдо бўлишига туртки берди. Натижада “В Jeans” бренди ҳамда “Dildora Kasimova” модалар уйи билан ҳамкорликда янги тўплам яратилди. – Жинси матоси ўз хусусиятига кўра жуда пишиқ ва фойдаланиш қулай, – дейди дизайнер Дилдора Касимова. – Шу боис бундай матолардан тикилган либосларни деярли ҳар куни киямиз. Бу эса бизга янгича ижодий ечимларни топишга ундади. Менимча, “В Jeans” бренди билан ҳамкорликда бунинг уддасидан чиқа олдиқ.

Ўзида Шарқона ғўзаллик, нафислик ва ҳашамни уйғунлантирган мазкур тўплам мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

“Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси матбуот хизмати.

Президент топшириқлари ижрода ва назоратда

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

ЯНАДА ОШАДИ

Мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди.

Меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайди. Ички сайёҳлар сони ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди.

Бу маълумотлар кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилди. Унда юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлил қилиниб, ҳудудлардаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганига эътибор қаратилди. Йиғилишда таъкидланганидек, йил бошидан буён Самарқандга республикамиз ҳудудлари бўйича энг кўп – 2

миллион 300 минг нафар маҳаллий сайёҳ келган. Шунингдек, хорижлик туристлар сони ўтган йилга нисбатан 3,5 баравар кўпайиб 553 минг нафарни ташкил этган. Жумладан, Россиядан 213 минг, Тожикистондан 125 минг, Қозоғистондан 72 минг, Туркиядан 17 минг нафар сайёҳ келиб Самарқанд гўзаллигидан баҳраманд бўлган.

– Бугунги кунда вилоятимизда 13562 ўринли 488 та жойлаштириш воситаси, жумладан, 151 та меҳмонхона, 293 та меҳмон уйи мавжуд, – дейди Самарқанд вилояти



хокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи Рустам Қобилов. – Жорий йил бошидан буён 32 та, биргина сентябрь ойида 2899 ўринли 13 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар 840 ўринли яна 7 та меҳмонхона ишга туширилади. Туристлик фирмаларимиз сони 192 та етди. Улар сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга 144 та туристик автобус ва 136 та микроавтобусга эга.

(Давоми 4-саҳифада)

Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида яна бир муҳим қадам


МИНГБУЛОҚНИНГ НЕФТЬ БУЛОҚЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугун бутун жамоамиз бажарилган ишлар ва унинг натижаларидан чуқур мамнуният ҳис қилмоқда. Ишончимиз комилки, яқин келажақда бу бунёдкорлик иқтисодий жабҳада катта самара беришни бошлайди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 декабрдаги "Қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга бўлган конлардан нефть қазиб олиш ва углеводородларни қайта ишлаш ҳажмларини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бюро-мачи "Sanoat Energetika Guruhi" ("Ўзбекнефтегаз" АЖ) бўлиб, лойиҳалаштириш ишларини GRDC компанияси бажарди. Қурилиш майдони бош режаси соҳага оид тегишли норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Корхонанинг бошқа барча қурилиш майдонларида бўлгани каби бу ерда ҳам лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ва объектни ўз вақтида битказиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилди. Ишлар вахта режимида ташкил этилди, қурилишга тажрибали, малакали мутахассислар жалб қилинди. Ошхона ва ётоқхонага эга, тўлиқ жиҳозланган турар-жой шаҳарчаси ишчиларнинг тўлақонли раҳмати ва дам олишини таъминлади. Ишчилар сони ҳам оз эмасди – қу-



рилиш ишлари қизгин паллада бўлган даврда объект қурилишига 200 дан ортиқ ишчи, 35 та техника бирлиги жалб қилинди.

Лойиҳа доирасида асосий ишлаб чиқариш майдони, жум-

ладан, кириш линиялари блоқи, алоҳида сепарация майдони, нефть тиндиргичи ва иситгичи,

нефть ва қатлам сувини узатиб берувчи насослар, конденсат кол-

суви ва чуқук сув учун резервуарлар (ҳар бирининг ҳажми 50 м³), дренаж учун сиғим, автоматик юклаш пункти, машъала қурилмаси ва газни сиқиб блоқи қурилди. Шунингдек, ёрдамчи зона таркибига кирган ишлаб чиқариш ва ёмғир сувларини оқизиш учун дренаж идиши, электр тақсимлаш панели, ёқилги бакига эга дизель электр станцияси, бўғлиниш ҳавзалари, назорат ва мониторинг тизими билан жиҳозланган операторлар хонаси ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ҳам қуриб битказилди.

– Айни пайтда Мингбулоқ қонидида нефтни тайёрлаш қурилмаси ишлаб чиқариш қувватига

эришди, – дейди нефть тайёрлаш ва ташиш бўйича етакчи технолог Бурхонидин Қодиров. – Ер қаъридан олинган нефть сақловчи суюқлик таркибидаги суюқлик босим ўлчангандан сўнг тозаловчи иншоотларга узатилади, сепаратордан ўтказиб баробарида ҳамроҳ газлар ажратиб олинади, бу газ кейинги босқичларда линия иситкичлари учун ёқилги сифатида ишлатилади. Шундан сўнг, нефть печь орқали тиндиргич идишларга ўтади ва у ерда белгиланган стандартга мувофиқ товар ҳолатига келтирилади. Бугун жараён тажрибали операторлар томонидан назорат қилинади, лаборатория мутахассислари эса хомашё ва қудуқлар таркибини доимий тарзда текшириб, зарур таҳлилларини бажариб борадилар.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида яна бир муҳим қадамдир. Мингбулоқ нефть қонининг ўзлаштирилиши вилоятнинг саноат қувватини сезиларли даражада оширади. Enter Engineering компаниясининг ахил жамоаси ўз олдига қўйилган вазифани масъулият билан бажарган ҳолда бу ижобий натижаларга муносиб ҳисса қўшди.

Мавлуда АЗИМОВА,
Enter Engineering компанияси
PR-департаменти ходими.



ДОРИВОР ҲИМЛАКЛАР ЕТИШТИРИШ КЕНГАЙМОҚДА

Инсонлар қадимдан турли хил гиёҳларнинг даволловчи ва қувват берувчи хусусиятларини билишган ҳамда бу билимларини турли хасталикларни даволашда ишлатишган. Масалан, қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа кўпчилик давлатларда табиблар гиёҳларнинг нималарга даво бўлиши ҳақида кўпгина маълумотлар қолдирганлар.

Юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида, 2022-2026 йилларда 36 минг гектар майдонда қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойчечак, наъматак, равоқ, маврак, далачай, тоғрайхон, бўймадарон, кийик ўти, ковул, қалампир ялпиз ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш режалаштирилиб, амалий ишларга киришилган. Ҳар ўн гектар ер майдонидаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун бурғуланган қудуқ қазиб, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси орқали субсидия ажратилади. Экспортбоп доривор ўсимликлар етиштиришни кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги "Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан назарда тутилган имтиёз ва молиялаштириш тартиблари доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилади. Жорий йилнинг июн ойидан Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 100 млрд. сўм маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга доривор ўсимликларни етиштириш учун йиллик 14 фоиз ставкада, 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой мuddатда кредитлар ажратилади. Доривор ўсимликларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга ҳам етиштирилган маҳсулотни харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун худди шу тартибда кредитлар берилади. Бундан ташқари, қатор имтиёзлар тақдим этилди. 2025 йил 1 январга қадар доривор ўсимликларни етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солик) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинмадан ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари камайирилади. Бунда мазкур хатбошига асосан солиқлардан озод қилинадиган маблағлар доривор ўсимликлар плантацияларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Доривор ўсимликлар хомашёсидан биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактлар ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндивч-панеллар ва вентиляция тизимлари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, қадоқлаш материаллари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 майдаги "Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани "Хитой" МФЙ худуди ўрганилди. Ўрганиш натижасига кўра, "Камак дориворлари" МЧЖга Шаҳрисабз тумани ҳокимининг қарорига асосан салкам минг гектар ер майдони доривор ўсимликлар етиштириш учун ажратиб берилди. Ҳозирда бу ерларда 72 хил доривор ўсимликлар етиштирилмоқда.

Аччиқ бодом, ўрик, ёнғоқ, седана, кунжут ва бошқа доривор ўсимликлар мойини чиқариш учун Эрон технологияси олиб келиниб, ишлаб-чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, МЧЖ томонидан 1000 та хонадонда доривор ўсимликлар етиштириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 285 хонадонда доривор ўсимликлар етиштириш ташкил этилган.

М.ТУРДИЕВ,

Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК КЎМАГИДА ИККИТА ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан саноат тармоқларини молиялаштириш фаол амалга оширилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида ана шундай лойиҳаларнинг иккитаси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раислигида шу йилнинг 11 март куни саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида корхоналарни замон талабига уйғунлаштириш, маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашиш бўйича вазифалар юклатилди. Унда бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – ички имкониятларни ишга солиш, импорт бўлаётган айрим маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва саноатни янада ривожлантириш устувор йўналиш бўлиши кераклиги таъкидланган эди.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан ҳар йили саноат тармоғига оид ўнлаб лойиҳалар ишга туширилиб, улар муассасанинг молиявий кўмагида илғор технологиялар билан жиҳозланиши, хомашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлаш, экспорт салоҳиятига эғалиги, кўп миқдорда иш жойларини ташкил қилиши билан эътиборга моликдир.

Мамлакатимизнинг саноат зоналаридан бири Ангрэн шаҳрида иш бошлаган янги завод ҳам шундай имкониятлар билан барпо этилди. "Central Asia chemicals" масъулияти чекланган жамиятига қарашли ушбу завод Италия технологиялари билан жиҳозланди. Бошқарув, ишлаб чиқариш, лаборатория, стандартлаштириш, логистика каби барча жараёнлар халқаро андозаларга мувофиқлаштирилди.

Кир ювиш кукунни, суюқ совун ва гигиеник воситалар учун бирламчи кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона учун банк томонидан қарийб 10 млн. доллар миқдорда кредит ажратилди.

– Инженерия фаолиятида Италия дунё бўйича пешқадам давлатлар қаторига кира-



ди, – дейди "Central Asia Chemicals" МЧЖ бош директори А.Ботиров. – Бизнесда ушбу мамлакат мутахассислари билан ҳамкорликка киришганимиз биз учун ўсиш, катта натижадир.

Заводнинг байрам арафасида ишга туширилиши ангрэнликлар учун ҳақиқий янгилик, байрам тўғриси бўлди. Сабаби, у ерда худуд аҳолисининг 100 нафари ишга жалб қилинди.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 11 минг тоннага тенг корхона маҳсулотлари 100 фоиз импорт ўрнини босувчи ҳисобланиб, уларнинг 30 фоизи Россия ва МДҚ мамлакатларига экспорт қилинади.

– Банкинг мадади билан яқин кунларда яна бир цехни ишга тушираемиз, – дейди А.Ботиров. – У ерда йилга 48 минг тонна кир ювиш кукунини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, яна бир янги корхона фаолияти йўлга қўйилди. Хоразм вилоятининг Урганч туманида жойлашган мазкур корхона қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, у ерда 70 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳа ташаббускори "Zakirov"

хусусий корхонаси.

Умумий миқдори 4,1 млн. доллар ҳажмидаги маблағ эвазига янги завод тўла қувватда ишлаб чиқариш ҳолатига келтирилди. Бунда банк кредит маблағлари ҳисобига Хитойдан ускуналар келтириб ўрнатилди.

Очилиш маросимида бугун худудларда бунёдкорлик ишлари қизгин паллага чиққан бир пайтда қурилиш материаллари саноати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, соҳага илм-фан ютуқлари ва инновациялар кенг жалб қилиниб, маҳаллийлаштиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

"Zakirov" хусусий корхонасининг янги заводи ҳам ишлаб чиқаришда тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланиши имконига эга. У ерда ички ва ташқи бозорга йилга 3 минг тонна турли ўлчамларда 7 турдаги саморез ва шруп маҳсулотлари етказиб берилади.

Айни пайтда экспорт борасидаги режа 3 млн. доллар (умумий маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи) этиб белгиланган. Бу борада дастлабки шартномалар ҳозирча озарбай-жонлик ҳамкорлар билан тузилди.

Банк ахборот хизмати

ХОРАЗМДА МЕЛИОРАТИВ ОБЪЕКТЛАР КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА



Хоразм вилоятидаги коллектор-дренаж тармоқлари лойиҳадан, ён-атроф худудлари ўт-ўланлардан тозаланмоқда. Бу борадаги ишлар, айниқса, Урганч, Қўшқўпир, Янгибозор туманларида намунали ташкил этилган.

– Вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитида сизот ва ер ости сувлари сатҳини пайсатиришда коллектор-дренаж тармоқлари муҳим ўрин тутди, – дейди Чапқирғоқ Амударё ИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедиция бошлиғи Неъмат Отажонов. – Шу босис мелиоратив томоқларимизни тозалаш-тиклаш ишларига доимо алоҳида эътибор қаратамиз. Айни кунларда кузги-қишки тадбирларни сифатли амалга оширишга интилаямиз. Сув ҳўжалиги вазирлиги матбуот хизмати

Кўп йиллик буғдойнинг қурғоқчилик ва иссиқликка ўта чидамлилиги аниқланди



ҒАЛЛАЧИЛИГИМИЗ КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Кейинги йилларда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб бориши кузатилаётганда. Маълумотларга кўра, XX асрда 10-12 йилда бир марта “аномал” иссиқ кузатилаётган бўлса, бу ҳолат 2000-2019 йилларда ҳар 3-5 йилда такрорланиб турди. 2019 йилдан бошлаб эса деярли ҳар йили юқори ҳарорат кузатилаётганда. Ҳароратнинг юқори бўлиши албатта, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир этади.

Республикамиз сўғориладиган ерларнинг 1 миллион гектардан ортиқ қисмига буғдой экилади. Юқори ҳароратнинг буғдой ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида, умумий ғалла майдонларининг 95 фоиздан ортиқ қисмида экилаётган 24 та буғдой нави 2018-2021 йиллар давомида экилиб, тақриблар ўтказилди. Маълумки, буғдой дони асосан май ойида шаклланиб, айна шу даврда юқори ҳарорат доннинг тўлиқ шаклланишига зарар қилади. Май ойида об-ҳаво кулай келган 2018 йилда ўрганилган навлар ҳосилдорлиги 69-94 ц/га ни ташкил этган бўлса, май ойида ҳарорат юқори (40°C дан юқори) бўлган 2020 - 2021 йилларда аксарият навларда дон ҳосилдорлиги 39-49 фоизгача пасайиб кетди. Кўриниб турибдики амалда қўлланилаётган эски услублар, аниқроғи асосан тур ичида (юмшоқ буғдой билан юмшоқ буғдойни) дурагайлаш орқали яратилаётган навларнинг иссиқликка чидамлилиги пастлигича қолмоқда. Келгусида ҳаво ҳароратининг янада кўтарилиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу усул билан яратилаётган буғдой навлари талабга жавоб бера олмай қолиши аниқ. Бу ҳолатда буғдой селекцияси билан шуғулланаётган илмий даргоҳ олимлари селекциянинг янги, замонавий услубларидан фойдаланиш, бундан ташқари, нафақат тур ичида, балки турлараро дурагайлашларни йўлга қўйишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Аграр фани ривожланган АҚШ, Австралия, Хитой ва бошқа давлатларда селекцияда замонавий услубларни қўллаш билан турлараро дурагайлаш ҳисобига ғалла, ем-хашак ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг кўп йиллик навлари яратилиб, мазкур давлатларнинг қурғоқчил ва ҳаво



вомида яшил ҳолатда сақланиши албатта, сув ва шамол эрозиясининг олдини олади. Кўп йиллик буғдой илдиз тизимининг кучли ривожланганлиги ҳисобига эрозия ва деградацияга учраган тупроқ ҳолатини яхшилаш имконини беради. Юмшоқ буғдой касаллик ва зараркундалардан кўлаб зарар кўради, кўп йиллик буғдойда эса касаллик ва зараркундалар деярли кузатилмади. Кўп йиллик буғдой илдизининг ўта бақувват бўлиши сўғориладиган ерларнинг деградацияга учраган ва мелиоратив ҳолати оғир далаларида тупроқ таркибини яхшилашга бўлган даврда бу ерлардан яйлов тарзида фойдаланиш мумкин бўлади. Шу мақсадда, жорий йил ҳосили учун Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус туманида ҳолати ўта оғир бўлган бир гектар майдонда кўп йиллик буғдой донга ўриб олинган, сўғорилмасдан, тупроқдаги нам ҳисобига қайта тўлиқ кўчат ундириб олиниб, яйлов сифатида қолдирилди ва фойдаланилмоқда. Кўп йиллик буғдойдан фойдаланиш самарасини ўрганиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг сўғориладиган, Жиззах вилоятининг лалми майдонларининг тупроғи оғир жойларида си-

нов ишлари ҳамкорликда амалга оширилди бошланди. Кўп йиллик буғдойнинг дони майда, 1000 донасининг оғирлиги 16-18 грамм бўлиб, дон ҳосилдорлиги 18-20 ц/га ни ташкил қилади. Кўп йиллик буғдойнинг бу камчиликларини бартараф этиб, янги навларини яратиш энг асосий масала ҳисобланади. Бугунги кунда бу йўналишда кенг ҳажмда селекция ишлари олиб борилаётганда. Селекциячи олимларнинг кейинги вазифаси бу кўп йиллик буғдой асосида иссиққа ўта чидамли, бир йиллик юмшоқ буғдой навларини яратишдир. Бу борада ҳам кенг қамровли ишлар бошланди. Бугунги кунда турлараро дурагайлаш ишлари ўтказилиб, мингдан ортиқ тизмалар яратилди. Дурагай авлодларнинг умумий илдиз массасининг 95 фоиздан ортиқ қисми 60 см. чуқурликда жойлашган ўсимликларни танлаб олинди. Бу дурагай авлодларнинг 1000 донасининг оғирлиги 38 грамми, дон ҳосилдорлиги 36-38 ц/га ни ташкил этади, яъни ўсимликларнинг асосий параметр кўрсаткичлари бир йиллик юмшоқ буғдой навларининг кўрсаткичига яқинлашган.

Тадқиқот ўтказилган майдонда кўп йиллик буғдой умумий илдиз массасининг 95 фоиздан ортиқ қисми 1 метр чуқурликда жойлашган бўлса, бир йиллик юмшоқ буғдойда бу кўрсаткич 20-22 см.ни, дурагай авлодларда эса 45-60 см.ни ташкил этганлиги аниқланди. Албатта, илдиз тизими массаси катта ва кучли бўлиши ҳар қандай стресс омилларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кўриниб турибдики, кўп йиллик ва юмшоқ буғдой навларини дурагайлаш билан илдизи бақувват, иссиқлик ва қурғоқчиликка ўта чидамли юмшоқ буғдой навларини яратиш имкони юзага келди. Айтиш жоизки, ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институтида интродукция ва экспедиция йўли билан миллий генофондга жалб этилган ноёб намуналардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Шу жумладан, хорижий амалиётлардан кенг фойдаланиш, турлараро дурагайлаш қўлланилишини янада кўпайтириш мақсадида АҚШнинг Вашингтон университети олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бу албатта, ўз самарасини беради ва юртимиз ғаллачилик, чорвачилик соҳаларининг барқарор ривожланишига улкан замин яратади.

Амир АМАНОВ,
Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

“In vitro” БИОТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА КАРТОШКА УРУҒЛАРИ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Лабораторияга 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиб, бир дона микро тубекдан 50 минг дона, вирус ва турли касалликлардан холи, иқлим шароитига мос, серҳосил картошка уруғлиги етиштириш имконияти яратилди. Айна кунларда бу ерда картошканин “Санта”, “Пикассо”, “Невский”, “Сумми” ва “Салболтин” навлари яратилмоқда. Эътиборли жиҳати, қўша корхонага қарашли 6,5 гектар ердаги замонавий иссиқхоналарда йилига 900 гектар ерга етадиган сифатли, супер элита авлодга мансуб картошка уруғлари етиштирилмоқда.

— Жанубий Кореяда ушбу усулда картошка уруғлиги етиштириш анча такомиллашган. Лаборатория томонидан картошка уруғлиги етиштирилганда буюртмачининг талабига алоҳида эътибор қаратилади. Замонавий лаборатория асосида бир дона микро тубекдан 50 минг дондан ортиқ картошка уруғлиги етиштирилади. Бунда уруғлик картошканин оналик тугунчасидан исталганча нишона олиниб, қарийиб 30 кун давомида махсус лабораторияда, тегишли ҳароратда парваришланади. Шундан сўнг, корхона қошидаги замонавий гидропоника усулида барпо этилган иссиқхоналарда кўпайтирилади, — дейди Жанубий Кореялик мутахассис, “CS – BIO SAMARKAND” қўша корхонаси бош лаборанти Kim Seo Hiu.

— Корея технологияси асосида жиҳозланган, гидропоника усулидаги 1 гектар иссиқхонамизда бир йилда 150 гектар ерга етадиган, 5 хил нави картошканин супер элита авлодига мансуб картошка етиштирилмоқда. Хозирга қадар, минг гектарга етадиган картошка уруғлари захираси яратилди. Иссиқхонамизда барча агротехник тадбирлар компьютер орқали бошқарилади, уруғлик картошка етиштиришда асосан органик ўғитлардан фойдаланилади. Келгуси йилдан иссиқхонада етиштирилган картошка очик ер майдонида кўпайтирилади. Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб вилоятимиздаги кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари учун 15 минг гектар ерга етадиган супер элита авлодига мансуб картошка уруғлари етказиб берилди, — дейди “CS – BIO SAMARKAND” қўша корхонаси таъсисчиси Фирдавс Ражабов.

Инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан Президентимизнинг “Республикада импорт ўрнини босадиган, сифатли ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан мониторинг тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур корхона томонидан картошка уруғлари етиштирилишида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва оптимал муддатларда ўтказилиши ҳам ўрганилмоқда. Картошка етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари учун импорт ўрнини босадиган картошка уруғлари экилиши юзасидан оммавий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Самарқандда импорт ўрнини босадиган, сифатли картошка уруғлиги етиштиришнинг йўлга қўйилганлиги ушбу турдаги маҳсулот таннархини арзонлаштириб, бозорларимиз тўқинлигига хизмат қилади. Буларнинг барчаси аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

Абдували ХУДОЁРОВ,
“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бош инспектори.

Эълонлар

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ПСУЕАИТИ)

2023 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича Таянч докторантурада (PhD) ўқишга **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
2. Мелиорация ва сўғорма деҳқончилик
3. Агрохимё
4. Ўсимликшунослик
5. Селекция ва уруғчилик

Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);

- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳужжат нусхаси, IELTS, TOEFL ёки бошқа тан олинган сертификатлар (мавжуд бўлса);
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати шунингдек, уларнинг нусхалари (камидан 1 та мақола ва 2 та илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар);
- паспорт нусхаси

2023 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича Докторантурада (DSc) ўқишга **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
 2. Мелиорация ва сўғорма деҳқончилик
 3. Агрохимё
 4. Селекция ва уруғчилик
 5. Ўсимликшунослик
- Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар ҳужжатларни тақдим этади:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти

- Давлат стипендияси ҳужжат нусхаси, IELTS, TOEFL ёки бошқа тан олинган сертификатлар (мавжуд бўлса);
- илмий даража;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати шунингдек уларнинг нусхалари (камидан 3 та мақола ва 2 та илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар);
- паспорт нусхаси

- Ҳужжатлар phd.mininovation.uz сайтга жойлаштирилади.
- КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ОЛИНАДИ:**
- Таянч докторантурага (PhD) Танланган ихтисосик бўйича ва чет тили.
- Докторантурага (DSc) Суҳбат натижалари асосида
- Ҳужжатлар 20 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
- Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й. ПСУЕАИТИ**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ҚХМИТИ)

2023 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- 05.07.01 — “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш”;
- 05.07.02 — “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш”;
- 05.05.07 — “Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар”.

Керакли ҳужжатлар:

—	ариза;
—	маълумотнома (3.5 шакл бўйича ҳодимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
—	меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (таянч докторантурага - ишлаётган талабгорлар учун, мустақил изланувчиликка - камидан 2 йиллик илмий-педагогик ёки муайян илмий ютуқларга эга) бўлиши керак;
—	Нашр этилган илмий ишларнинг талабгор томонидан имзоланиб, иш жойидан тасдиқланган рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
—	олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
—	паспорт нусхаси (асли шахсан кўрсатилади).
—	чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи гувоҳнома (мавжуд бўлса);
—	иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиларга);
—	4x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат;

Эслатма: Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг www.phd.mininovation.uz докторантура тизими орқали рўйхатдан ўтишлари керак. Ҳужжатлар 2022 йилнинг 15 сентябрдан — 15 октябргача қабул қилинади. Кириш имтихонлари 1-25 ноябр даврида бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент вилояти, Янгиўл тумани, Гулбаҳор кўргони, Самарқанд кўча, 41. ҚХМИТИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шўъбаси. Тел:0370-601-07-04; моб; +998937763162.

У ҳаётида кутилмаган бахтли ҳодиса рўй берганига ишонқирамаётгандек эди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Сув ёқалаб...

КАСБИНИ УЛУҒЛАБ КАМ БЎЛМАДИ

Шарофиддинни болагидан уйлари яқинидан ўтган катта анҳор сувнинг оқиши маҳлиё қилар, сувда қандай оҳанрабо борлигини билмасам ҳам сув билан тиллашгани келверди. Шунданми, ишқилиб уйдагилари ундан юқори синфга ўтганида "энди ким бўлмоқчисан", дея сўраса, "мироб бўламан", деб қўярди. Мироб нима иш қилишини эса ишга киргандагина билди.



— Э, мана буни қара-чи, мана буни, дея қўли билан ўқиб турган матн устини туртган эди, лип этиб бошқа ёққа ўтиб кетди. — Энди расво бўлди, энди шошмагин, ҳозир чиқариб олай, шу исминни ўқигандай бўлдим-да.

— Нима деб ёзибди, — деди яна аёлининг таажжуби ошиб.

— Ҳозир кўрасан, шошмай тур, унинг чехраси яна бирдан очилиб кетди. — Мана, кўр, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" фахрий унвони билан Тўланов Шарофиддин Худобердиевич — "Сўх-Оқтепа" ирригация тизими бошқармаси гидрохизмат бўлиғи, Фарғона вилояти...

Хотини эрига қараб жилмайганича турарди.

— Кўрдингми, а, кўрдингми буни, бу нима дегани, менга ростданам фахрий унвон беришибдими!? Э, отанга раҳмат хотин...

— Менга эмас, меҳнатингизни қадрлаганларга раҳмат айтинг, отаси. Кунни кун, тунни тун демай қилган ҳалол ишларингизга муносиб баҳо берганларга мингдан минг раҳмат. Ҳадемай, сизни табриклагани келишади. Мен сал уйлари тартибга келтирай...

Шарофиддин аканинг аёли тўғри айтган экан, дастлаб вазириликдан кўнғироқ қилиб табриклади, ундан кейин Сирдарё-Сўх ИТХБ раҳбари Фахриддин Турсунов табриклади. Худди бирин-кетин табрикларга келишиб олгандек, Сўх-Оқтепа ИТБдан, таниш-билишлардан, ҳамкасблардан устма-уст самимий тилаклар бўлди. Кўнғироқлардан унинг боши осмонга етарди...

Табриклагани келганларни

кузатаётганида вақт алламаҳал бўлган эди. Шарофиддин ака ҳаётида кутилмаган бахтли ҳодиса бўлганига ҳали ҳам ишонқирамаётганга ўхшарди. Уни вилоят ҳокимиятига тизим раҳбарлари бирга олиб борганида, барча соҳалар бўйича мукофотланганлар ҳам келишган экан. Унинг қўсига вилоят ҳокими "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" фахрий унвонига эга бўлганлик тўғрисидаги медални тақди...

У тантанали маросимдан қайтар экан, кўтаринки рўҳда босиб ўтган ҳаёт йўлига разм солди. Риштон, Олтиариқ, Қирғизистон Республикасининг Қадамжой туманларига сув етказиб, қанча йилларни ўтказиб юборибди. Аммо бу йиллар бесамар ўтмаганига бугун ўзи яна бир бор ишонди. Сўх-Оқтепа ирригация тизими бошқармасига қарашли Олтиариқ туманининг ўзи туғилиб ўсган, Қирғизистон чегара худудидаги Бўрбонлиқ қишлоғида 1973 йилда қурилган сув тақсимлаш бўлимида ишлади. Улар 5 киши эдилар. Ҳаммасининг иши бир бўлсада, биттаси бошлиқ этиб тайинланарди. Уларга 1981 йилдан буён Шарофиддин ака етакчилик қиларди. Ўзи сув тизимида ҳаммаининг ном бир — сувчи. Вазирдан тортиб қоровулгача сувчи, бу шарафли касбдан ҳеч ким тонмайди, аксинча фахрланади. Шарофиддин ака ҳам 42 йилдан буён участка бошлиғи лавозимида икки халқ ўртасидаги сув муаммоларини тинчлик билан ҳал этиб, элдан дуо олиб келаётганидан ўзи ҳам мамнун бўлиб юрарди. Сув ёқалаб юрганида таниш-нотамини одамларнинг у билан қилган самимий муомаласидан кўнгли яйрарди...

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Самарқандга келадиган сайёҳлар асосан, бир неча асрлик тарихий обидаларимиз билан бирга, халқимизнинг бой миллий мероси, анъана ва қадриятлари билан танишиш, юртимизнинг бетақорр табиати ва ўзига хос таомларидан баҳраманд бўлишни истайди. Шунинг учун кейинги йилларда сайёҳларга ана шундай имкониятларни яратиш мақсадида вилоятда туризм қишлоқлари ташкил этилди. Жумладан, айна пайтда Самарқанд туманида Кониғил, Ургутда Терсақ, Нурободда Оқсой, Пайариқда Чоштепа, Каттақўрғонда Андоқсой маҳаллари туризм қишлоқларига айлантирилди. Самарқанд шаҳридаги Оруз Махмудов кўчасида гастрономик, Ислам Каримов кўчаси сувенирлар савдоси ва шоппинг, Алишер Навоий кўчаси маданият ва музейлар кўчаси мақомини олди. Вилоятдаги музейлар сони 13 тага етди.



ШХТ саммити арафасида Самарқанд шаҳрида "Халқлар дўстлиги музейи" ва "Ипак йўли музейи" ишга тушди. Яна 3 та музей ташкил этиш бўйича ишлар давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази барпо этилиши вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини бир неча баробар оширди. Ўтган ҳафта у ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити юқори савияда ўтди. Бу кўп тармоқли марказ таркибига 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб ишотлар бор. Марказ йилига 2 миллион туриста хизмат кўрсатиши имкониятига эга. Мазкур марказдан Кониғил қишлоғига ва ундан Регистонгача 8,4 километр масофа янги туристик йўналиш пайдо бўлди. Ушбу йўналишда 7 та тарихий-маданий мерос объекти, 205 та савдо, 36 та овқатланиш ва хизмат кўрсатиш нуқталари бор.

— Кеча давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг янги туризм дарвозаси ва Янги Ўзбекистоннинг "ташриф қоғози"га айланган буюк мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчионалар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди, — дея сўзига давом этади Р.Қобилов. — Шунингдек, янги-ланган Самарқанд халқаро аэропорти имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқаро қатновларни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Айна пайтда мазкур аэропорт орқали ҳар ҳафта Москвага 15 та, Истанбулга 6 та, Краснодарга 5 та, Сочи ва Олма-Отага 4 тадан, Дубайга 2 та ва бошқа авиақатновлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда Дубайга қатнов яна биттага оширилиши ҳамда Бокуга ҳам парвозлар йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Президентимиз хорижий авиакомпаниялар билан келишувга эришиб, Самарқандга Европа, Осиё, Америка, Араб давлатлари ҳамда қўшни мамлакатлардан кунига камидан 10 та халқаро рейсни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, водий вилоятлари, Нукус, Урганч ва Термиздан ҳам ҳар кун камидан 1 та авиақатнов амалга оширилиши бўйича топшириқ берилди. Шу ва бошқа вазифалар асосида "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" тарғибот кампаниясини ўтказиш белгиланди. Бу борада ишлар бошланди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасига Самарқандда бир йиллик халқаро учрашувлар ва анжуманлари ўтказиш дастурини тасдиқлаш топшириғи берилди. Йил якунигача ҳам янги туристик марказда бир қатор халқаро анжуман ва форумлар, мусобақалар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, 27 сентябрь — Халқаро туризм кўни муносабати билан форум, 8-9 октябрь кунлари триатлон бўйича Осиё кубоги мусобақаси ва халқаро гастрономик фестивал, 24-27 октябрь кунлари Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиғи, ноябрь ойида иқтисодий форум ва Туркий тили давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви, Самарқанд ярим марафонини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

"URBAN.TECH UZBEKISTAN" ХАКАТОНИ — ЯНГИ ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАР ЯРАТИШ МАЙДОНИ

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2021-2022 йиллар давомида ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида 19 миллиард сўмлик 24 та стартап лойиҳа молиялаштиришга тавсия этилган.

Ушбу кўрсаткич вазирилик томонидан умумий қўллаб-қувватланган стартап лойиҳаларининг 20 фоиз қисмини ташкил этади.

Улар таркибиде ахборот технологиялари таълими, инновацион ва юқори технологияларга ҳамда ИТ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар мавжуд. Ҳозирги кунда мавжуд лойиҳаларнинг қарийб барчаси муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Инновацион ривожланиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Назокат Абдуқундузова иштирокида брифинг ўтказилди.

Қайд этилишича, Инновацион ривожланиш вазирлиги АКТ соҳасидаги стартап лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантириш ҳамда истеъмолчиларга самарали хизмат кўрсатишида яқинда ёрдам беришда давом этмоқда.

"DATA UNION" МЧЖнинг "DATA" инновацион ўқув марказини кенгайтириш" стартап лойиҳаси асосида замонавий ИТ-билимларига асосланган ўқитиш тизими ишлаб чиқилган. Натижада 16 хил йўналишдаги хизматларни ташкил этиш орқали йиллик 5,6 миллиард сўмлик даромадга эришилди. "SmartChain" МЧЖнинг "NazzaAR" стартап лойиҳаси молиялаштирилиши натижасида инновацион дастур ишлаб чиқилган ва амалиётга кенг жорий этилган.

Хусусан, ҳозирда Инновацион ривожланиш вазир-



лиги томонидан очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган "Urban.Tech Uzbekistan" — хакатон танловига аризалар қабул қилинмоқда. Танловнинг умумий мукофот жамғармаси 200 миллион сўмни ташкил этади ва ҳар бир йўналишга 50 миллион сўм пул мукофотлари топширилади.

Мазкур танловда 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган инновацион ечимларни тақдир қилишга тайёр бўлган ҳар қандай касб ва йўналишдаги мутахассислар жамоа бўлиб иштирок этишлари мумкин. Хакатонга аризалар жорий йил 10 октябрга қадар қабул қилинади. Жамоа аъзолари сони камидан 2, кўпи билан 4 кишидан иборат бўлиши керак.

Танловга Ақлли шаҳар, шаҳарсозлик; Ижтимоий ҳаёт ва технологиялар; Электрон тижорат, электрон савдо майдонлари; Тиббиётда ахборот технологиялари каби йўналишлардан бири бўйича аризалар топшириш талаб этилади.

Танлов Ўзбекистон бозоридаги турли соҳалардаги ин-

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА мухбири.



Устоз хонадонида

Шу йил ёзда ҳамроҳларим билан Фарғонанинг Олтиариқига бориб, дам олдик. Олтиариқнинг танга даво шифобахш сувларидан роҳатландик.

Бир кунни ўзбекнинг тан-ти ҳажвчи шоири, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ҳеч хаёлимдан кетмади. Негаки, мен ўз қаламимини Анвар Обиджоннинг уста Гулматидан илҳом олиб чархлаган эдим-да. Анвар Обиджоннинг Олтиариқда туғилганлигидан хабарим бор. Эрталаб Олтиариқ марказига қараб таксига ўтирдим. Таксичога шундай-шундай десам дарҳол "хўп бўлади меҳмон", деди.

Олтиариқда Анвар Обиджонни танимаган одам йўқ экан. Таксист мени ўн-ўн беш дақиқага қолдирмай шоир туғилган Полосон қишлоғига олиб борди. Дастлаб Полосон қабристони-га бориб, шоир қабрини зиёрат қилдик. Сўнгра қишлоқ марказидаги шоир хонадонига қараб йўл олдик. Дарвозадан кирар эканман, шоирнинг рафиқаси Кароматхон ая ва кичик ўғли

Бунёдбек қарши олди. Узимни таништириб, муддаомни айтдим. Хоразмдан келганимни эшитиб, жуда хурсанд бўлишди. Бунёдбек мени отасининг мўъжаз ижодхонасига бошлади. У ерда жуда кўп китоблар тахла-ни турарди. Шоир тириклигида ишлатган буюмлар, портретлари, хуллас, бу ерда шоир руҳи кезиб юргандек гўё. Кармотхон аё ҳовлининг қоқ ўртасида том бўйи бўй чўзиб, ҳовлига файз киритиб турган, Анвар Обиджон экан узумдан узиб олдимга қўйди. Олтиариқнинг узумига гап йўқ. Олтиариқнинг узумини, бодрингу турпини устоз каби таърифу тавсиф қилиб бўлмади, албатта.

Шундай қилиб устоз хонадонидан бир олам завқ олиб изимга қайтдим.

Болтабой
Муҳаммад Қурбон.

Эълон

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ИИБ 1-сонли Тошкент академик лицейи томонидан 2021 йилда Одилова Нилуфархон Шарифжон қизи номига берилган Л№ 0004327 (рўйхат рақами — 94) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ
HAYOTI

УЗАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тажриб ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Бюджетта Г-947. 1251 нуқсуда чоп этилди.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона — (0-371) 236-26-50. Факс — (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар — (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.40